

**TRG/B2B SME-20217546- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КҮРСАТИШ ТҮГРИСИДАГИ**

АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладап, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022_йил “_05_” Январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 2021 йил “ 30 “ декабрдаги 27-01-14/6019 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Тошкент шахар телефон тармоғи” филиали директори Ф.Ш.Рустамов, бундай бүён “Оператор” деб номланувчи, бир томондан ва TOSHKENT AOKB номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик түгрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Бонсайда бошлаги УЧ Абонент шартномаси, бундай бүён “Абонент” деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) куйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 – 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ҳақидағи Абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера деб юритилади) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлар асосида Оператор билан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича Шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастребки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Операторнинг Оммавий офертасининг шартларини сўзсиз кабул қилиши (акцептини) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилгандан сўнг Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Абонент Дастребки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат туридан ва ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонилар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиши умумэътироф этилган маданиятга амал қилиш ҳамда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширишади.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар кўрсатилганидан кейин тўлов тўлаш (Postpaid) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилған санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнода амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастребки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмати тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алохида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмати тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 150 000
(Билан мөлжаланади) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 50 000
(Этаклик мөлжаланади) сўм микдоридаги Абонент тўловини ҳамда микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартнома умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма томонлар ўргасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк қуни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисобига пул маблағларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг шахсий ҳисобварагида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатишни тўхтатади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календар ойи) учун исталмаган тўловларни олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилимайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлик календар ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (үй) иш қуни мобайннида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоби баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади. Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно.

5. Низоларни ҳалиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўргасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишини имкони бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равиша Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилишади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклдаги жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор килинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Агар Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугагандан сўнг Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонент татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонентга** нисбатан ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 22 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартномани имзоланиши Оферта акцептини (Абонентнинг оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичда бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзgartиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада, ҳар бир томон учун биттадан расмийлаштирилган.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор

Филиал “ТШТТ”

АК «Узбектелеком»:

100015, Кичик Халка йули кўчаси, 2а уй

ИНН: 203366731 МФО: 00401

ОКЭД: 61100

х/р: 20210000504074838073

АК «Алокабанк»

Тел. 

Имзо:

Абонент

Тошкент шахар. Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бўшкариаси.
100011, Тошкент ш., Навоий 30.
ИЧН: 204272825 МФО: 00014 ОКЭД: 84112
Х/р: 23402000300700001010,
100021860262777078700134002
Ўз. Рес. Молият Вазирлиги Фазилоти
Тел: 244-65-06, 71-244-65-

Бошкарила бошничи

М. Ўзбекистон Республикаси
Абдушамидов У.У.

05.01.2022 йил

TRG/B2B SME-20217546-сонли абонент шартномасига

1-илюва

Кўрсатилилган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

T/p	Рақам	Хизматлар номи	ҚҚС билан пархи (микдори)	Асос	Микдор	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7
I. Бир марталик тўловлар						
II. Хар ойлик абонент тўловлари						
2.1	712446506	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.2	712446506	ДВО. Предостав.номера вызыв.абонента для ТА с АОН на ЭАТС	1,820.00	Прейскурант	1	1,820.00
2.3	712446507	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.4	712446507	ДВО. Предостав.номера вызыв.абонента для ТА с АОН на ЭАТС	1,820.00	Прейскурант	1	1,820.00
Жами (олдиндан тўлов)						17,440.00

Жами олдиндан тўлов микдори 17440 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори 17,440.00 сўмни ташкил этади. Ундан 17,440.00 сўм микдорида ойлик абонент тўлови хамда 0.00 сўм бир маротабалик уланиши учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АҚ
“ТШТТ” филиали

АБОНЕНТ:
TOSHKENT AOKB

Оператор номидан:



Рустамов Фаррух Шорухович

Абонент номидан:

